



## ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИ ТАРҚАЛИШИННИГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ!

Файзуллаев Дилшод Одилбекович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Тезкор қидириув фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

E-mail: fayzullayevdilshod9090@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10602872>

### ARTICLE INFO

Received: 23<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 30<sup>th</sup> January 2024

Online: 31<sup>th</sup> January 2024

### KEY WORDS

Экстремизм, радикализм, ёшлар, қарши курашиш, олдини олиш, бартараф этиш, жавобгарлик чоралари, жазо, давлат ва хуқуқтарниб ота тартибот органлари томонидан амалга оширилиб келинаётган маъмурий-хуқуқий, жиноий ислоҳотлар, Конституциявий асослари, қонун устуворлиги, инсон қадри, инсон манфаатлари, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий хуқуқлар, эркинлик, кафолат, қонун хужжатлари, жамият.

### ABSTRACT

Maқолада экстремизм ва радикализм тушунчаси унинг таркиби, келиб чиқиши, сабаб ва шартшароитлари таҳлил қилинган, экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда ёшлар орасида тарқалишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган.

### КИРИШ

Бугунга кунга келиб, экстремизм дунёвий кўринишдаги хавф-хатарга айланиб бораётганлиги сабабли, халкаро экстремизм келтириб чиқараётган хавф-хатар фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузишга бўлаётган уринишларда намоён бўлаётганлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда “Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг кучайиб бораётгани, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар бизни ташвишга



солмасдан кўймайди” деган фикрларини мисол қилиб олсак бўлади<sup>1</sup>, ушбу масаланинг нечоғлик долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан айнан мазкур ва юқорида таъкидланган бир қатор ҳолатлар ушбу муаммони илмий-амалий нуқтаи-назардан ўрганиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади.

**Долзарблиги:** глобаллашув ва турли таҳдид ва можароларнинг кучайиши даврида табиий ва техноген оғатлар, жумладан жиноятчиликнинг ошиб кетиши, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутади. Хусусан, ички ишлар органлари тезкор-қидирав фаолиятини ислоҳ қилишга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилиб, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига сўнгги етти йилда мамлакатимизда жадал маъмурий-хуқуқий ислоҳотлар, жумладан ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди ва улар давом этмоқда.

**Муаммонинг баёни:** Бугунги кунда ички ишлар органларининг ёшлар орасида экстремизм ва радикализмнинг барвақт ва дастлабки олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари аниқ тақсимланган ҳолда, уларнинг функция, вазифалари мазмун-моҳияти қайта кўриб чиқилди ҳамда мамлакатда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги механизмлари яратилмоқда.

Ушбу мақолада биз янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг тинч-осойишта ҳаёти ва уларнинг хавфсизлиги кафолатлари тўғрисидаги нормалари талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-хуқуқий ислоҳотлар масаласини қўриб чиқамиз ва улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган айрим хуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиласиз.

**Тадқиқот мақсади:** ички ишлар органларининг экстремизм ва радикализмга қарши қурашиб фаолияти, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмuni ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-хуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуслари:** ички ишлар органлари фаолиятидаги маъмурий-хуқуқий ислоҳотларнинг мазмuni ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-хуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Дунёдаги йирик илмий-амалий тадқиқот марказлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда экстремистик фаолият минтақавий ва халқаро жиноий алоқаларга эгалиги кузатилган. Статистик

<sup>1</sup> Ашурев, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 5(4), 240-247.



маълумотларнинг қўрсатишича, экстремистик ташкилотлар 2020 йилга келиб, 2000 йилга қараганда З баробар кўп халкар олоқаларга эга бўлган ва уларда янада йирикрок молиявий ресурслар тўпланган<sup>2</sup>. Шу боис, халкаро хусусиятга эга экстремистик ташкилотлар хамда уларнинг фаолиятида иштирок этган шахсларни учун жавобгарликни оғирлаштирувчи жиной-хукукий нормаларни тартибга солиш ва у билан боғлик конунчилик нормаларини такомиллаштириш экстремизмга қарши курашиш сиёсатининг ўта муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. Хозирги кунда амалдаги жиноят конунчилигига экстремизмга қарши кураш чораларини белгиловчи нормаларни назарда тутмайди. Бу эса келгусида экстремизмга қарши курашга қаратилган жиноят конунчилигининг маҳсус нормаларини такомиллаштириш ва оптималлаштиришни талаб этади<sup>3</sup>.

Экстремизм тушунчасини жиной хатти-ҳаракатнинг муайян кўриниши сифатида юридик жиҳатдан квалификация қилиш заруратидан ташқари, тарихий илдизларини, юзага келишининг ижтимоий – психологияк сабаб ва оқибатларини ўрганиш, ниҳоят, сиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилмоқда. Шу сабабли биз экстремизм тушунчасининг маъно-мазмунини ёритиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Экстремизм (лотинча-“ақл бовар қилмас даражада», “хаддан ошиш”) жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид радикал қарашлар ва ҳаракатларни англаради. Уларга диний тус бериш эса, диний экстремизмга олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилда қабул қилинган “Экстремизмга қарши курашиш” тўғрисидаги қонунда экстремизмга шундай таъриф берилган “Ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, хокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодасидир”<sup>4</sup>. Шу сабабли, ушбу қонундаги экстремистик ғоянинг асл моҳиятини, келиб чиқиш сабабларини ва фуқароларнинг ақидапараст ғоялар таъсири остига тушиб қолиш сабабларини ўрганиб чиқиш зарур.

Экстремистик фаолият – қўйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, худудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга;
- хокимиятни ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга;
- қонунга хилоф куролли тузилмалар ёки уларда иштирок этишга;
- террорчилик фаолиятини амалга оширишга;
- зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошкора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга;
- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соловчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этишга, шунингдек, экстремистик ташкилотларнинг

<sup>2</sup> Ашурев, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.

<sup>3</sup> Ашурев, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиной зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.

<sup>4</sup> 2018 йил 30 июль кунидаги “Экстремизмга караш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Тошкент - 2018. – 30 июль.



атрибутларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этишга;

- бирор-бир ижтимоий гурухга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга ошириш учун ошкора даъват қилишга қаратилган ҳаракатларни режалаштиришга, ташкил этишга, ёки содир этишга доир фаолиятда кўрсатиб ўтилган[3]. Шу сабабли бугунги долзарб замоннинг асосий муаммоларидан бири сифатида экстремизмни кўрсатиб ўтсак мақсадга мувофик бўлар эди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, оммавий маданият каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оиласиб қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа қўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани айни ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди”<sup>5</sup>.

Шу маънода, ҳозирги кунда экстремизм умумбашарий хавфга айланиб бормоқда. Экстремизми жиноий хатти-ҳаракатнинг муайян кўриниши сифатида юридик жиҳатдан таснифлаш заруратидан ташқари, тарихий илдизларини, юзага келишининг ижтимоий-психологик сабаб ва оқибатларини ўрганиш, ниҳоят, сиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Экстремизм мураккаб ва хавфли бўлган ҳолатларни ўз ичига қамраб олади, ҳамда давлат ва жамият олдида катта хавфни юзага келтириб, одамларда ёвузлик ва қўрқув ҳамда давлат ва хукук-тартибот органларига ишончсизлик ҳиссиётини пайдо қиласи.

Ушбу фикримизни тасдиқлаш учун экстремизмга хориж давлатларининг таниқли олим ҳамда сиёсатчилари томонидан берилган бир нечта таърифни келтириб ўтайдик. “Экстремизмга карши курашиш давлат томонидан жиддий карорлар кабул килинишини талаб этади” (Б.В. Волженкин, Россия); “Замонавий экстремизм илмий технологияларнинг тез ривожланиши ва глобал микёсдаги технологик тизимлар ва тармоқларнинг пайдо бўлиши билан боғлик” (В.Шестаков, Россия); Швециялик мутахассис В. Кафтан “Замонавий экстремизм алоҳида шаклда уюшган зўравонлик, ҳарбий-сиёсий мақсадлари, воситалари, усуслари ва таъсир ўтказиш натижаларига кўра уруш олиб боришнинг шаклларидан бири сифатида ижтимоий курашнинг бир тури хисобланиб, ўта тажовузкор, уюшган, мафкуравий тайёргарликдан ўтган субъектларнинг аксилижтимоий фаолиятини ўзида акс эттиради”<sup>6</sup>; Россиялик тадқиқотчи Ф.Муфтахованинг фикричи “Замонавий экстремизм ўзаро боғлик учта қиррага эга эканини таъкидлаб, уларга доктринал, ташкилий ва фаолиятга оидлигини, мазкур кирраларнинг хар бири узига хосдир. Аникроги, замонавий экстремизмнинг бош сабаблари глобаллашув жараёнларининг айрм индивидлар учун доим хамadolатли эмаслиги, мамлакатлар тараккиётига тафовут, цивилизациялараро зиддиятлар билан

<sup>5</sup> Ш.М. Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2017 й. 505 бет.

<sup>6</sup> Ашурев, О., & Искандаров, Н. (2023). Жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ва худудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш!. Евразийский журнал технологий и инноваций, 2(1 Part 2), 217-221.



богликлигини таъкидлаб ўтган<sup>7</sup>. Юкорида курсатиб утилган олимларнинг экстремизм билан боғлик фикрларида деярли фарқ йўқ. Чунки уларнинг барчасининг максади экстремизм тушунчасини кенг ёритиб бериб, жамият, давлат ва хукук-тартибот органлари томонидан экстремизмга карши курашишликни юкори даражага олиб чикишликтини уз олдиларига максад килиб қуйганлар.

Хозирги вактда экстремизм ва радиализм тушунчаси жуда кенг тармоқ ёзиб кетаётганлиги кўриш мумкинлиги, экстремизм тушунчасини фақатгина ислом дини билан боғламаслик керак, сабаби эса бугунги кунда экстремизм барча динлар орасида учрамоқда, жумладан католик черковининг эркин фикр юритувчи, хукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар-папа хокимияти душманларини таъқиб қилиш учун 13 асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция сифатида баҳолайди<sup>8</sup>. Шу боис, экстремизмни муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиздир. Экстремизм, фундаментализм, сепаратизм ва радиализмнинг мазмун-мохиятини тахлил этиш шуни кўрсатадики, 20 асрнинг иккинчи ярмида халкаро миқёсда ўзини баралла намоён этажтган хатарли воқеиликлардан бири, шубҳасиз, диний экстремизм ва ундан озиқланадиган ҳамда диний шиорлар билан никобланган терроризмдир.

Экстремизм муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, холат, вазифани хисобга олмаган ҳолда, кўр-кўrona қўллашга уриниш. Яъни, диний экстремизм диндаги муайян ақида ёки қоидаларни, ўринли ёки ўринсизлигидан қаътий назар, кўр-кўrona қўллаш ва мутлақлаштиришга интилишдир<sup>9</sup>. Экстремизм барча динларда турли мазхаб ва йўналишлар орасида кескинлик, низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлган. Экстремистик гуруҳлар хақиқатни тушунтириш, ишонтириш каби усуllар орқали тарғиб этишни тан олмайди. Улар ўз ғоялари бидъатлари, ғайриинсоний бўлишига қарамасдан, бошқаларга нисбатан ўта жохил ва муросасиз муносабатда бўладилар. Ўзини шак-шубҳасиз хақ деб билиш, хақиқатни фақат мен биламан деган қарашга асосланган манманлик эса зўравонликни юзага келтиради. Яъни диний экстремизмни юзага келишига сабаб бўлади<sup>10</sup>.

Экстремистик оқимларнинг ғаразли мақсадларга асосланган ғояларидан шу нарса маъм бўладики, барча исломий диний-экстремистик ҳаракатлар ўз олдига тинч-осойишта давлатда мураккаб ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий-маърифий вазиятни инқирозга келтириш йўли билан хокимиятни эгаллаш ва ўз бошқарувини

<sup>7</sup> Ашурев, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар хуқуqlари, эркинларни ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 25(2), 49-53.

<sup>8</sup> Masharipov, T. (2022). КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОГЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. *Science and innovation*, 1(C7), 295-302.

<sup>9</sup> Ашурев, О., & Назирхўжаев, О. (2023). Ички ишлар органлари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши самарадорлигини оширишнинг ижобий омиллари. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 205-209.

<sup>10</sup> Асракулов, М. М., & Машарипов, Т. Э. (2022). ЁШЛАР-КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ. *Journal of new century innovations*, 18(5), 293-300.



ўрнатиш мақсадини қўяди. Аммо унга эришишда ҳар бир экстремистик ҳаракат, ташкилотда ўзига хос йўл ва услублардан фойдаланиб келади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки даврларда яширин тартибда фаолият кўрсатган экстремистик оқим ва ташкилотларнинг асосий фаолият усуллари қўйидагилардан иборат бўлган:

- ўз ғояларини яширин тарғиб қилиш, кишилар онгига радикал исломий тушунчаларни сингдириш;
- амалдаги конституцион тузумни кескин қоралаш ва унга қарши жиходга бошлаш;
- мамлакатдаги расмий диний тузилмаларни обрўсизлантириш;
- яширин гурухлар тузиш ва унинг аъзоларини маҳсус тайёргарликдан ўтказиш;
- ўз тарафдорлари сафига давлат ва хукумат идоралари аъзоларини жалб қилиш;
- хотин-қизлардан иборат ячейкаларни қучайтириш;
- террор воситаларидан самарали фодаланиш кабилардир.

Бугунги кунда экстремистик оқим ва ташкилотларнинг таъсири остига тушиб қолган фуқароларимизни тўғри йўлга қайтариш ҳамда ижобий турмуш-тарзини давом эттиришларини таъминлаш мақсадида ташкилий тадбирларни фақатгина хуқуқтартибот органлари томонидан амалга оширилиб келинаётганлиги сабабли ушбу йўналишдаги меҳнатларимиз ўз самарасини жудаям кам фоизларда натижабераётганлиги сабабли ушбу экстремизмга қарши тарғибот ва ташвиқот ишларимизни фақатгина хукук-тартибот органлари доирасида амалга оширмасдан жамоатчилик вакиллари, маҳалла, қўни-қўшни ҳамда мусулмонлар идораси вакиллари билан биргалиқда амалга оширган тақдирдагина юксак натижаларга эришиб, экстремизм ва радикализм ғоялари тарғиботини кенг қулоч ёзмасдан томирини кесган бўламиз.

### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз лозимки, бугунги кунда мустақил давлатчилигимизнинг келажаги бўлмиш, ёшларимиз орасида экстремистик ғояларни тарқалишини олдини олиш, балки келажак авлодимизнинг тинч ва осуда хаёт кечиришларини таъминлаб, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда янги уйғониш яъни учинчи Ренессансни, Янги Ўзбекистонни обрў-эътиборини тез фурсатларда юксак даражаларга кўтарилиб, жаҳон минбарларида юқори ўринларда кўришга муваффак бўлар эдик. Шу сабабли ушбу жараёнларда фуқароларимизнинг айниқса ёшларимизнинг маънавий-маърифий сифатлари, ижтимоий-сиёсий хусусиятларини ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

### References:

1. Ашурев, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 5(4), 240-247.
2. Ашурев, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.



3. Ашурев, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финанс и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.
4. 2018 йил 30 июль кунидаги “Экстремизмга карши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Тошкент - 2018. – 30 июль.
5. Ш.М. Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2017 й. 505 бет.
6. Ашурев, О., & Искандаров, Н. (2023). Жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ва худудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш!. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 217-221.
7. Ашурев, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 25(2), 49-53.
8. Masharipov, T. (2022). Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш. *Science and innovation*, 1(C7), 295-302.
9. Ашурев, О., & Назирхўжаев, О. (2023). Ички ишлар органлари томонидан қасдан одам ўлдириш жиноятларини фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш самарадорлигини оширишнинг ижобий омиллари. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 205-209.
10. Асракулев, М. М., & Машарипов, Т. Э. (2022). ЁШЛАР-КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ. *Journal of new century innovations*, 18(5), 293-300.